



20 20 yil "16" йюни № 850

Олмазор МФЙ Қирқетмон қишлоғида яшовчи фуқаро Юнусов Махмутжон Мирзаевичга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқи билан дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда “Дехқон хўжалиги тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддаларига “Махаллий давлат хокимияти тўғрисида” ги қонунининг 6-10-асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қишлоқ хўжалигига оид эхтиёjlар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Олмазор МФЙ Қирқетмон қишлоғида яшовчи фуқаро Юнусов Махмутжон Мирзаевичга дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 27.08.2019 йил кунги холосаси тасдиқлансин.

2. Олмазор МФЙ Қирқетмон қишлоғида яшовчи фуқаро Юнусов Махмутжон Мирзаевичга туман ҳокимлиги захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган С.Азизов ММТП худудидаги № 457-контурдаги 0,18(ўн саккиз сотих) га, ер майдонини дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш хукуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани “давлат хизматлари” марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли хукуқий хужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Юнусов Махмутжон Мирзаевичга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда хукуқий хужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиги С.Курбоновга, ер солигини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиги Ж.Қўчқаровга топширилсин.

5. Ушбу қарор тасдиги халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сесиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

К.Джураев

BAYON  
QISMU